



# МИЛЛИЙ ТІКЛАНІШ

37 (254) ● 2013 йил 25 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП – [www.mt.uz](http://www.mt.uz) | Тархририят – [www.milliytiklanish.uz](http://www.milliytiklanish.uz)

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш партия фаолияти тарғиботида алоҳида ўрин тутади



Оиласи тадбиркорлик билан шугуланыш оиласлар даромадини ошириш, ахоли бандлигини таъминлаш хамда соглом маънавий мухитнинг бардавом бўлишида муҳим аҳамият касб этади



Ўзбекистон ўзининг бой тарихий-маданий мероси, меъморий обидалари, замонавий шаҳарлари билан халқаро сайёхлик бозорида алоҳида мавқега эга



**3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ**

**4 ЎЗМТДП ДАСТУРИ – АМАЛДА**

**6 ЖАРАЕН**

## Хабарлар

### Марказий шифохона янги бинода

Юртимизда соғликни саклаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни даволаш-профилактика мусасасаларидағи курилиш-таъмирилаш ишларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Жорий йилда бу борада Самарқанд вилоятида белгиланган дастур асосида қатор ишлар амалга оширилиб, соғликни саклаш тизимида кўпгина мусасасаларда курилиш-таъмирилаш ишлари олиб борилиди. Жумладан, Пахтаки тумани марказий шифохонаси ходимлари янги бинода иш бошлади. Мазкур шифохона биноси инвестиция дастури асосида 4 миллиард 35 миллион сум маблағ эвазига реконструкция қилинди, ўзгача кўришига эга бўлди. Шифохонанинг курилиш-таъмирилаш ишлари "Зарафшон нур" курилиш ташкилоти томонидан бажарилди.

### Ўзбекистоннинг сайёхлик салоҳияти

Франция пойтахти Париж шаҳрида "IFTM Top Resa - 2013" халқаро сайёхлик кўргазмаси бошланди.

Мамлакатимизнинг туристик салоҳияти кенг намоиш этилаётган ушбу кўргазмада қадимий обидарларимиз, бой маданиятимиз, муқаддас зиёратхороҳ, хушманзара табиат ва файзли гўшаларимиз намоиш этилаётган. Лойҳа доирасида Буюк Британия, Венгрия, Италия, Испания, Нидерландия, Сингапур, Франция, Хитой, Япония каби кўлуб мамлакатларнинг иккى юздан зиёд сайёхлик компаниялари билан фаол ҳамкорлик қилинishi кутилмоқда. "IFTM Top Resa" дунёдаги энг яхши ва нуғузли халқаро кўргазмалардан биро бўлиб, 1978 йилдан бўён ўтказиб келинади. Бу йилги кўргазмада бир юз элликтан ортиқ мамлакатдан ўн мингдан зиёд сайёхлик фирма ва компанияси вакиллари, соҳа мутахассислари ва эксперслар иштироқ этмоқда.

### Тайёргарлик қизгин

Сирдарё вилояти таълим мусасасаларида куз-киш мавсумига тайёргарлик нийоясига етказилмоқда.

Президентимизнинг республика иктисолидёти тармокларини 2013-2014 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирларига оид қарори ижроси юзасидан вилоядатга кенг кўламли ишлар амалга оширилалоат. Вилоядатдаги мактаблар ва мактабгача таълим мусасасаларини куз-киш мавсумига тайёрлаш ишларига 1 миллиард 582 миллион сўм маблағ ахрартилган. Ушбу маблағ ҳисобидан таълим мусасасаларининг қарийб 2 минг квадрат метр шифер, 3 минг 900 квадрат метр ойналарига янгиланди. Иситиш тизимларининг куз-киши даврида барқарор ишланиши таъминлаш мақсадида 143 та янги иситиш қонсонлари ўрнатилиди.

## Фракция ҳаёти



## Давлат бюджетининг биринчи ярим йилликдаги ижроси

партия электорати манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда муҳокама қилинди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси ўйнишида 2013 йиллигидан ярим йиллигидаги ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ижроси муҳокама этилди. Унда фракция аъзолари, вазирлар ва идоралар вакиллари, мутахассислар, эксперслар ва оммавий ахборот воситалари иштирок этди.

ТАКИДЛАНГАНИДЕК, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг бошида Вазирлар Мамкамаси мажлисида белгилаб берилган 2013 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йиллигидаги давлат бюджетининг ижро расида макроиктисодий барқарорлик ва иктисодий ўсишининг юксак суръатлари таъминланган.

Мажлисда депутатлар партия дастурий максад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда 2013 йилнинг биринчиярим йиллигидаги давлат бюджетининг ижро расида макроиктисодий барқарорлик ва иктисодий ўсишининг юксак суръатлари таъминланган.

Фракция аъзоларининг фикрича, миллий иктисолидётимиз сифатли ўсиш учун улкан салоҳиятга эга бўллиб, буни рўёбга чиқаришда ўзбекистоннинг халқаро меҳнат бўлиннишидаги рагобатли афзалларини хисобга олган ҳолда мамлакатимиз хўжалик комплексини янада диверсификация қилиши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларни самарали кўллаб-куватлаш сиёсатини олиб бориш, ўзбекистон манфаатларини кўзлаган ҳолда ташкил иктисолидий стратегияни амалга ошириш лозим.

**2-бет**

## Давра сұхбати

## ЎзМТДП фаолияти тарғиботи

бунда ОАВ билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Тадбирда ҳафтанинг ҳар жума куни партия Дастури ва сайловолди Платформасини ўрганиш ва тарғиби килиш куни деб белгиланди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ихроия Кўмитаси ташаббуси билан "ЎзМТДП фаолиятини оммавий ахборот воситалари ёртшини долзарб вазифалари" мавзусида давра сұхбати ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгаши Ихроия Кўмитаси девони ҳамда "Миллий тикланиш" газетаси ходимлари иштирок этди.

Давра сұхбатини кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ихроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига алоҳида ўтиб оширилди:

— Партияни жамиятимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жарайида фаол иштирок этишига интилаётган сиёсий куч ҳисобланади. Партия фаолияти самародорлигини оширишда марказий ва маҳаллий қенгашларимизда ташкил этилаётган турли тарғибот тадбирлари, лойҳа ва форумлар муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фаолиятимизни кенг оммавий тарғиб килишида эса оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли жуда муҳим. Шу боис оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш,

улар билан иш олиб боришни тўғри йўлга кўйиш, ОАВнинг имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида ўтиб оширишни даркор. Боиси, ЎзМТДП имиджини янада мустаҳкамлаш, тарафдорларимиз ва маслақдошларимиз сафини кенгайтиришда тарғибот-ташвиқот ишлари жуда муҳим ҳисобланади.

ТАКИДЛАШ жоизи, бугунги кунда ЎзМТДП дастурий максад ва вазифаларини, миллий тикинишларини ўзишина мафкурасини кенг тарғиб-ташвиқ килиш, барча даражадаги партия ташкилотлари ва де-пепутатлик бирлашмалари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш юзасидан партияни тизимида маълум тажриба шаклланди.

**3-бет**

## Муносабат

## Маҳаллий дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқарувчилар сафи янада кенгаяди

бу ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда айни муддаодир

"Ахборот асри" деб аталаётган буғунги даерда замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари тизимларини жадал суръатлар билан ривожлантириш давлат сиёсатини устувор ўнайлишларидан бирига айланди. Бу борада, айниқса, экспорт қилинадиган маҳсулотлар таркибини ва умуман, ташки савдо айланмасини янада диверсификация қилиш алоҳида ўрин тутади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари суръилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни таъминотларни ривожлантириш Концепцияси"да хам давлат ва жамият курилиши тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг кўллашағося илгари суръилган эди. Ушбу вазифаларни муваффакиятли ҳал этишида маҳаллий дастурий маҳсулотлар индустриси миллий иктисолидётинг барқарорлигини оширишда, рақобатда устуворликка эришида, ваюта тушумларининг кўпайишида, импорт ўрнини босувчи миллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш сиёсатини амалга оширишда ўзига хос ўрин тутади.

Бинобарин, ахборот-коммуникация технологиялари шиддат билан тараққий этиб бораётган буғунги глобаллашув

**2-бет**

## Хукукий эксперимент

Мустақил тараққиёт ишларидан кенгайтириш масаласига алоҳида ўтиб оширилган қарорни келинмоқда. Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг кўшима мажлисида тақдим этиган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни таъминотларни ривожлантириш Концепцияси»да «Маълумки, фуқароларни ахборот соҳасидаги хуққи ва эркинликларни таъминлаш масаласи инсонинг ахборот олиши, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатишни хуққи ва эркинлигини ўзида мүжассам этган бўллиб, бу Ўзбекистонда демократик жамиятни асосларини барпо этишининг муҳим шарти, таъбири жоизи бўлса, тамал тоши ҳисобланади», дега тақсилаб ўтганди.

## Янги қонун лойиҳаси

халқ таълими бошқармаси фаолиятида ҳам синовдан ўтказилмоқда

**4-бет**

**"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!**  
Нашр кўрсаткичи – 158









## Нигоҳ

“Театр — тарбия маскани. Ёшларимизни турли мағфуравий таҳдиидлар ва гараз ниятили күчлардан, таъсирлардан асраб-авайлашга устувор аҳамият қарашмадамиз. Ёшларни тўғри ўйлга бошлашда панд-насиҳат билан киоялашиб бўлмайди. Эзгуликни, юрттарварликни, инсоний фазилатларни камол топтишига хизмат қиласиган амалий ишлар қилиши керак. Ана шундай амалий тарбия омилларидан бири театрdir.”

Ислом КАРИМОВ

## БОЛАЛАР ТЕАТРИ

катталар театридан яхшироқ бўлмоғи лозим

**Кино санъати шиддат билан ривожлананаётган бир пайтда театрга бўлган эътибор ҳам кучайиб бораётганиги, албатта, қувонарли ҳолатидир. Ўтган асрингин 90-йилларида театр санъати хийла ишор ҳаҷовла тушуб қолган бўлса, мустақилларигиз шарофати билан ўз мавқеени қайта тиклаб олди, десак янглишишмаган бўлмади. Бугун театр томошабинлар билан тобора тўлиб бормоқда.**

Томошабин театрга тушиш билан бирга, саҳнага қандай асарлар кўйилапти, пъеса ёхуд декорация музаллифи ким, асарни қайси режиссёр сахналаштирган каби саволларни ҳам жавоб изламоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, бугунги томошабиннинг театрга бефарқ эмаслигидан, энди унга одли-қочди асарларни тақдим этиб бўлмаслигидан яққол далолат беради.

Театр миллий маданиятизмнинг узун кисми, улуг даргоҳ салади. Болалар театрининг ҳаётимизда тутган ўрни эса янада улуғроқ. Бутун умрими болалар театрига бағишлаган Н.Сац: “Болалар театри худди катталар театрига ўҳшаган, факат ундан яхшироқ бўлмоғи лозим”, деган эди.

Республика ёш томошабинлар театрининг миллий театрларимиз ичиди ўз ўрни бор. Унда ёш актёrlар билан бирга устоз санъаткорлар ҳам фаoliyati олиб бормоқда. Театр жамоаси айтиш жоизи, болаларча беғурбов ва самимий. Театрнинг бадиий раҳбари С.Алимходжаков бошқарувчик маҳорати ва иқтидори, театр санъати соҳасини мукаммал билганини туфайли жамоадаги соғлом мухитни сақлаб қолди. Хозирги вактда театтра турии мавзува жонларлардаги кўйлаб спектаклар саҳналаштирилиб, ижодий изланишлар давом этмоқда. Театрнинг маҳоратли режиссёри М.Рашидов, ёш ва истеъоддли актёrlар жамоасининг меҳнатлари зот кетмаяти. Улар яратган асарларда, асосан, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимиз ўз аксина топмоқда. Бу асарлар нафакат ёшлар, балки катталарнинг ҳам севимли асарларига, ушбу театр эса севимли даргоҳга айланбормоқда.

Театрнинг айни кундаги фаолияти ютукларга, самарали кечмоқда. Унинг жозибали спектакллари наинки республикамиз,

Асарнинг яна бир ютуғи шуки, унда мусиқалар тўғри танланган, кўшиклар актёр О.Насриддинов томонидан жонли ижро этилган, воқеалар ҳамоҳанглигини тъыминлаган.

Яқинда Хислат асари асосида Ўзбекистон санъатароби М.Махаметов режиссёrlигига саҳналаштирилган “Мушук ва сичон” асари ҳам ёш томошабинларга манзур бўлди. Унда мушук ва сичонлар галаси ўртасида мунтазам кураш боради. Спектаклда хаёт фракат курашдан иборат бўлса-да, аҳил-инок бўлиб яшаш foysasi илгари сурилган. Асар турли қарама-каршиликларга бой бўлиб, томошабинни зерикитириб кўймайди.

Хозирда театр жамоаси янги спектакль устида кизғин иш олиб бормоқда. Г.Андерсен эртаклари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Искандарова режиссёrlигига “Менинг ўрдакчам” номли спектакль саҳналаштириляпти. Ушбу асарнинг тақдимоти октябрь ойига мўлжалланган.

Мустақиллик байрамининг 22 йиллиги арафасида театрнинг истеъоддли актисаси Диляр Абдулазизова “Ўзбекистон халқ артисти” унвони билан тақдирланди. Бу нафакат актисасининг, балки театр жамоасининг ҳам улкан ютуғидир.

Театр ўзининг томошабинларига эга. Келинг, уларнинг сўзлари кулоқ тутайлик.

Узок-яқиндан келган хорижлик меҳмонлар ётироғига ҳам сазовор бўлмоқда. Устоз актёrlарнинг орзусига буғун уларнинг шогирдлари ети, деб бемалол айтиш мумкин. Мустақиллик шарофати билан театр жамоаси Польша, Германия, Миср, Россия, Қозогистон, Тоҷикистон каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб қайтади.

Ёш томошабинлар театри, асосан, мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган саҳна асарларини намойиш этди. Репертуарини кўздан кечирар эканисиз, асосан, ҳалқ эртаклари, ривоятлар асосида курилган саҳна асарларини кўрамиз. Э.Ўринов, X.Расул асари, режиссёр М.Искандарова саҳналаштирган “Ақл ва нафс” спектакли нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги томошабинлар учун ҳам мўлжалланган. Ундаги воқеалар томошабинни бефарқ колдирмай кенг мушоҳадага, фикрлашга ундиади. Асар бошдан охирiga ақл билан нафс курашиб яшиади.

Мустақиллик байрамининг 22 йиллиги арафасида театрнинг истеъоддли актисаси Диляр Абдулазизова “Ўзбекистон халқ артисти” унвони билан тақдирланди. Бу нафакат актисасининг, балки театр жамоасининг ҳам улкан ютуғидир.

Хозир “Ақл ва нафс” деб номланган спектакли томошабинларидан. Унинг деярли ҳамма томошаларига келаман. Спектаклари маъно-мазмунга бой, тушунмаганларимни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан билиб оламан. Яхшини ёмондан, оқни корадан ахрatisimiz, биз билмаган урф-одатларимиз, анъаналаримизни билиб олишимизга ёрдам беради.

**Иброҳим ТОШТЕМИРОВ,  
томушабин, 14 ёшда:**

— Мен ҳар ҳафта бўзан ойим, бъазида эса опам билан театрга тушуб тураман. Ёш томошабинлар театри мен учун жуда қадрор. Унинг деярли ҳамма томошаларига келаман. Спектаклари маъно-мазмунга бой, тушунмаганларимни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан билиб оламан. Яхшини ёмондан, оқни корадан ахрatisimiz, биз билмаган урф-одатларимиз, анъаналаримизни билиб олишимизга ёрдам беради.

**Малика УБАЙДУЛЛАЕВА,  
томушабин, 27 ёшда:**

— Хозир “Ақл ва нафс” деб номланган спектакли томошабинларидан. Туғриси, менинг бу театрга биринчи марта келишим. Бу театр фақат болалар учун спектакль саҳналаштиради, деб ўйлардим. Хозирги кўрган спектаклини кетта ёшдаги томошабинлар учун ҳам бемалол намойиш этилса бўларкан. Чунки ҳар бир одам ботинида доимо ақл билан нафс курашиб яшиади. Ниҳоятда ибратли спектакль экан. Энди бу театр томошаларига тез-тез келиб тураман.

**Сайдин АЛИМАРДОНОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбари**

назарга тушди. Бу орада онаизори ҳам уйга чорлаб қолди: “Кел, болам. Бухорода ҳам мутриблар кўйлайди. Ҳаммага ҳам мусиқа асбоби керак, ўзимининг неварапаримга ҳам”. Ўшандан бери Каромат Муқимов соз ясайди, таъмирлади. Уста Бухородаги ҳар бир кўча-гузарда неча тун терак, тут, қайрагон, ёнгик, шамшод бор, ҳаммасининг саноғини блади. Оддига дарахти сийлаб кўриб, сунгра савдолашади. Уни кесиб, уйига тортиб эмас, кўтариб киради.

Каромат уста хаётди давомиди кўп гаройиб воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Бир куни унинг дўконига содароқ, ҳоли қолди. Сўроҳийларининг ярми ёпик, учкойдан дарз кетган. “Сотаман”, деди ҳол, бирор нарса берингу олинг. Каромат уста “олдин унди таъмирлар, аргун ёғочидан экан. Хозир бу дарахт ўзимизда парвариш килинмайти. Жудан ёбоз соз”, деди. Чол кўнди. Уча кундан кейин ҳам аслиядай бўлди-қолди. Каромат уста чонли чорлаб, асил ҳаридорни ҳам чакириб асбобни баҳоладилар. Чол сўрганидан ҳам юз карра баланд нарх бўлди. Бу савдо, энг муҳими, 4-5 асрни кўрган кадимиги унди Бухоро мутрибларига қайтариб берди.

Уста кўплаб шогирдлар тарбиялади. Уларни ҳам навозанда, ҳам таъмирчи, ҳам созгар уста килиб чиқарди. Бугун устанинг бутун сир-асорларини ўғил-набирларни ўрганиб тантур, рубоб, сарб, зарб, чолу асборларни ясочи усталар сабоги уни яшшигина созандо-я, уста-тавмири чилиб қўйди. Консерваторияни битирлиб, олий даргоҳхурурида ташкил этилган лабораторияда катор ийлар фаолият кўрсатди. Машхур чолу ясочи Абдунаби Абдуғарфов изидан бориб, ўзи ҳам янги созлар ясаб.

**Манон ОТАБОЙ,  
“Milliy tiklanish” мухбари**



**Захириддин Муҳаммад Бобур давлат арбоби, шоир, маданият, тил ва адабёт соҳасининг етук намояндаси бўлиши баробарида инсон ва табиат гўзаллигини мадҳ этувчи, ўсимлик ва ҳайвонот оламишине ранг-баранглигиги-да назардан қочирмаган аллома сифатида тарихда ўчмас из қолдиган.**

Президентимиз Ислом Каримов Бобур шахси ҳақида “Ўзбек халқининг доворуни дунёга тарратган улуг аҳоддларимиздан бири ўлароқ, ул зот бизни тарихимизни қадрлашга, келажак ишонч билан қурашга ўргатади”, деган эди. Дарҳақиқат, Бобур Мирзо фаолияти ва ижодий сафовор. Шоирнинг биргина “Бобурнома”сими чинакам энциклопедияси асарга киёсласи мумкин. Чунки, унда нафақат, адабиёт, санъат, тарих, география, балки наботот ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам аниқ мъалумотлар кеътирилган. Жумладан, Фарғона водийси, Самарқанд, Кобул ва Ҳиндистонда тарқалган 150 дан зиёд ўсимликнинг номи, таърифи, тарқалиши ва яна ўзбекча, арабча ва хинҷада номлари берилган. Бундан ташқари, асарда ҳайвонларнинг 180 га яқин тури қайд этилган бўлиб, уларнинг айримлари хозирги кунда ҳам республикаларизда мавжуд. Жумладан, сутэмизувчиларнинг 15 тури, кушларнинг 33 тури, сув ва куруклидаги яшовчи жонзотларнинг бир неча турни учрайди. “Бобурнома”да, ҳатто, кушларнинг учбони овлашуда бўлардан Буҳорада Ҳиндистонда ўсадиган нағзак (манго), банан, бадхал (нон дарахти), бейр (анжир), жавмун (қалампирмунчоқ), жавзи бўё (мускат ёнғоги), кавал қақрий (илуфар), канейр (самбитул), кунор (чилонжайда), норанж (апельсин), наргил (кокос палмаси), тинду (ок сафсон меваси) ва чампа (ёсуман) каби ўсимликлар номи ҳам илк бор “Бобурнома”да кеътирилган. Бобур Афғонистон ва Ҳиндистондаги ўсимлик номларини аниқлашда ҳам ўзига хос усулини кўллаган. Явни меваси, гули, бўй-бастини Фарғона вилояти ёки Самарқанд ўсимликларини шакли-шамоили билан солишишиб, тушунчка берган. Чунончи Афғонистонда Куррайи Тозиён ва Дашиби Шайх даштларида “Чикин тола ўти бисёр яхши бўлур”, ранго-ранг анвойи лолалар тўғрисида заҳирашунос ботаник сифатида “Бир қатла санаттим ўттус иккى - ўттус лола чиқти” деб мъалумот беради.

Хозирда ботаника дарслилари ва луғатларда “чикин тола”, деб аталган ўсимлик номи учрамайди. Лекин “чиғин” деган ном билан туркман ва коракаллопқлар шолипоя ва сернам ерларда сероб бўлган, ҳаммага таниш курмакни айттар. Демак, Бобур замонида ҳам курмак ўзбекча “чикин тола” деб аталган. Шунингдек, Кобул вилоятининг тоғларидаги ўсадиган бир ўтни “Бутака ўти бўлур, отга бисёр сазовор ўттурс... Андижонда бу ўтни “бутка” дерлар”. Хозирда тоғли ялов-

## Тарихий мерос

## “БОБУРНОМА”

**Ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида**

ларда кенг тарқалган “бетага” деб аталағидан ўсимликларни борган. Чунончи, Фарғонада тарқалган мевалар, полиз экинлари, Кобул ва бошқа шаҳарлarda олма, анор, бехи, ажир, ўрик, шафтоли, бодом ҳамда ўт-ўлланнинг мўллиги, Кобулда “Боги Вафо” номли “Чаҳорбог” барпо этиб, найшакар (шакарқамиш) ва бана (кејла) экиб, улардан Буҳорада Бадаҳоншонга юборгани диккатга сазовордир. Бобур хурмони (унинг иккиси) жинсли эканидан беҳабар эди) ҳайвонга ўхшатади: “Бирин улким, нечукким, ҳайвон бошини кесурлар. Хурмо дарахтига ҳам нор (эркак) хурмони шохини келтириб, тегирмасалар яхши бар бермас” деб ёзган. Ҳиндистонда ўсадиган нағзак (манго), банан, бадхал (нон дарахти), бейр (анжир), жавмун (қалампирмунчоқ), жавзи бўё (мускат ёнғоги), кавал қақрий (илуфар), канейр (самбитул), кунор (чилонжайда), норанж (апельсин), наргил (кокос палмаси), тинду (ок сафсон меваси) ва чампа (ёсуман) каби ўсимликлар номи ҳам илк бор “Бобурнома”да кеътирилган. Бобур Афғонистон ва Ҳиндистондаги ўсимлик номларини аниқлашда ҳам ўзига хос усулини кўллаган. Явни меваси, гули, бўй-бастини Фарғона вилояти ёки Самарқанд ўсимликларини шакли-шамоили билан солишишиб, тушунчка берган. Чунончи Афғонистонда Куррайи Тозиён ва Дашиби Шайх даштларида “Чикин тола ўти бисёр яхши бўлур”, ранго-ранг анвойи лолалар тўғрисида заҳирашунос ботаник сифатида “Бир қатла санаттим ўттус иккى - ўттус лола чиқти” деб мъалумот беради.

Юқоридаги мъалумотлардан кўришиб турди, “Бобурнома”да ҳозирги замон табиатшунослари тили билан айтганда ўт мухим муаммоби — биологик ресурсларни изчил ўрганиш ва улардан оқиёна фойдаланиш масалаларига жиддий ўтибор қаратилган.

**Каримжон ТОЙЖОНОВ,  
биология фанлари доктори,  
Марҳамат МАТВАФАЕВА,  
биология фанлари номзоди**

</div





## БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ



*Юртимизнинг барча илм-маърифат  
фидойиларини, жонкуяр ҳамда  
захматкаш устоз-мураббийларни*

**1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА  
МУРАББИЙЛАР КУНИ  
билин муборакбод этади.**

*Фарзандларимизни маънан етук,  
кучли, билими ва ватанпарвар  
инсонлар этиб тарбиялашдек  
машакқатли ва шарафли  
мехнатингизга улкан омадлар  
тилаб қолади.*



### БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!



MILLIY TIKLANISH

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙБАТӢ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳор АҲМЕДОВ, Голибшер ЗИЯЕВ,  
Суон НАҲБЕДДИНОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ, Фағуржон МУҲАМЕДОВ,  
Улубек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам КОСИМОВ,  
Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Боши мухаррир ўринбосари: Исмат Ҳудобиров

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кӯчаси, 1-тор кӯча, 2-уй

Газета таҳририят компютер марказида терилди ва саҳифаланди

**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47

Боши мухаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.

Ҳажми 4 босма табоб, оффсет суслида босилди. Когоз бичими А-2

«ШАРК» нашримёт-матбоя акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этиди.

Корхона манзили: «Буюк Турун» кӯчаси, 41-й

### ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

#### Кузнинг шифобаҳш тухфаси

Ёнгокнинг турган битгани "хазина" дейишиди. Унинг сўлим соя-салкинидан тортиб, тўйимили ва шифобаҳш мағзигача, метин ёғочидан баригигача фойдалидир. Ёнгокнинг таркибида ёғ, 21% оқил, 7% атрофида углеводлар, кўп миқдорда витамин С, В, В1 ва каротин моддалари мавжуд.

Бундан ташкири: ёнгок мағзида минерал тузлар ва микроэлементлар ҳам бор. Кўк қобигида 25 %, баргида 12 % танид моддаси ҳамда 0,1

фоизгача эфир мойни сақланади. Халқ табобатида ёнгок кўпдан кўп калликларга даво сифатида қўлланилади. Ёнгокнинг хомлигидаги қобиги шираси экзема, дерматоз кабитерика-салликларни даволашда ишлатилиди. Абу Али ибн Сино ёнгокнинг барг ширасини илик холда кулок ичи йиринглаганда томизисини буюрган. Ёнгокнинг мағзи эндигина сут йикқан пайтида жуда фойдали бўлади. Бу даврага келиб, унда витаминлар ҳам кўпаяди. Ревматизм, рахит ва тери касалликларда ёнгок баргларидан тайёрланган қайнон ванна жуда фойдалидир. Ёнгок баргларининг ажойиб хусусиятидан яна бири - ўзидан ҳашорат ва куяларга қирон келтириувчи заҳарли ис чиқаради. Шуни унтумангни, ёнгок фолий кислотаси ва кальций манбай хисобланади. Агар кунига иккита ёнгок истевмол килинса, хотирани анча яхшилади. Колаверса, иммунитетни мустахкамлаб, хужай-раларни ёт унсурлардан ҳимоя қиласди.

#### БИЛАСИЗМИ?

Жаҳонга машҳур «Битлз» гурухи 1967 йилга келиб стадион ва катта саҳналарда концерт беришдан бош тортади. Бунга сабаб концерт пайтида бўладиган шовқин-сурон ижора халақт бераб, жонни ижро учун имконият колдирмаган эди. Шундан сўнг улар грампластиинка ва фильмларга кўшиқ ёза бошлиши.

\* \* \*

Рихард Вагнернинг «Нибелунг узуги» опералар туркуми илк бор 4 кечада давомида 15 соатдан кўпроқ ижро этилган. Бастакор ушбу ижод намунасини яратиш учун 25 йиллик умрени сарфлаган.

#### ТУРФА ОЛАМ

#### Оилавий автомобиль

ГОЛЛАНДИЯЛИК МУҲАНДИСЛАР ҚУЁШ  
БАТАРЕЯЛРИДА ЮРАДИГАН ИЛК ОИЛАВИЙ  
АВТОМОБИЛНИ ЯСАШГА МУВАФФАК БЎЛИШДИ.

Манбада келтирилишича, автомобиль 675 километр масофани бемалол босиб ўта олади. Кизиги, машина ўзига керакли бўлган манбани икки баравар кўпроқ ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Автомобиль дизайнини ўзининг антикалиги, салони эса катта оиласлар учун мўлжаланглиги билан ажралиб туради. Stella номини олган ушбу машина кўш нурларидан кувват олиш учун оптика вақт сарфлаб ўтиради. У йўл-йўлакай кувват олаверади. Колаверса, машина тежамкорлиги боис ўзидаги кувватни заҳира олиб кўяди. Оилавий автомобиль корпуси ўта енгил материаллар - алюминий ва углерод толасидан ишланган. Шунинг учумни, автомобиль 380 килограмм тош босади. Бу хозирда мавжуд электр автомобилларидан 1120 килограмм енгил деганидир. Кўш батареялари автомобилнинг юкори қисмига ўрнатилган. Ишланма муаллифларининг айтишича, яқин орада ушбу маҳсулотга кўшимча равишда янги функциялар ҳам кўшилади.



#### Ўта мустаҳкам ва чидамли

ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИДАН ЖОЙ ОЛГАН  
ТЕЛЕФОНЛАР СОТУВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.

Gresso extreme X3 ҳамда X5 телефонлари ўта мустаҳкамлиги ва сув остида ишлай олиши билан ажралиб туради. Бундай телефонлар экстремал ҳолатларда ишловчилар учун мўлжалланган. Gresso extreme X3 телефони 24 соат давомида сув остида ишлай олишидан ташқари, 1 тонна юнни кўтара олиш хусусиятига эга. Ҳатто, уни 7 метр баландликдан ташлаб юборсангиз ҳам хеч нарса бўлмагандек ишларда давом этаверади. Телефон корпуси ўта мустаҳкам пластмас-садан ясалган. Колаверса, телефон Adobe Systems дастурига эга бўлиб, фотожопда ишлаш имконини беради. Энди ушбу дастур ёрдамида ёйилиб кетган сифатиз расмларни саноқли сонияларда созлаш мумкин.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгаши Ихриоя Кўмитаси партия Гулистон туман Кенгаши Ихриоя Кўмитаси раиси Ҳафиза Юлчиевага акаси

Камол УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия билдиради.

Газета хафтанинг чоршанба куни чиқади.

2008 йил 29 октяброда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 раками билан рўйхатдан ўтган.

Буюрга — Г 919, Адади — 6215. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи мухаррир: Эрик ДОРИПОВ

Навбатчи: Дилфузя РЎЗИМЕВА

Сахифалов: Абкор ШОДИЕВ

Электрон почта: e-mail: milliyti@sarkor.uz

Босишига топшириш вақти — 21.00.

Топширилди — 23.00.

ISSN 2010-7714